**Кураш**



# АБДУЛЛАНИНГ МУАММОСИ НИМАДА?

***Абдулла Тангриев... Бугун бу полвонни бутун жаҳон танийди, десак асло муболаға бўлмайди. 2005 йил Ўзбек кураши бўйича ўтган жаҳон чемпионатида Абдулла +100 кг ва мутлоқ вазн тоифасида барча рақибларини енгиб, икки марта жаҳон чемпионлигини тантана қилди. Бир неча бор «Президент соврини»га эришган курашчи.***

***Тангриев, шунингдек, дзюдо кураши бўйича ҳам Ўзбекистон терма жамоасининг етакчи полвонларидан. У дзюдо бўйича жаҳон чемпионати бронза медали (2003 йил) совриндори, икки карра талабалар ўртасидаги Бутунжаҳон Универсиадаси ғолиби, икки бор Осиё чемпиони, 2002 йилги Осиё ўйинларининг кумуш, 2006 йилда ўтган ўйинларнинг бронза медали соҳиби... Биз яқинда Абдулла Тангриев билан суҳбатлашдик. Суҳбатимиз Қатарда ўтган XV Осиё ўйинлари таассуротлари билан бошланди.***

**— Абдулла, Дохада бронза медалига эришдингиз. XV Осиё ўйинлари сизда қандай хотиралар қолдирди?**

— Осиё Ўйинларида +100 килограмм вазн тоифасида курашдим. Ярим финал баҳсида икки карра жаҳон чемпиони, япониялик Мунито билан гиламга чиқдим. Бироқ учрашув ҳакамлари япон курашчисига очиқчасига ён босишди. Суст курашган пайтларида унга огоҳлантириш беришмади. Менинг усулларимни эса баҳолашмади...

Мухлислар ҳам, мутахассислар ҳам менга ишонишганди, аммо кўриб турганингиздек 3-ўрин билан кифояланишга мажбур бўлдим...

**— 2002 йил Пусанда ўтган XIV Осиё ўйинларидан Дохадаги ўйинларнинг фарқи, савияси ўртасида тафовутлар бўлдими?**

— 2002 йил мен + 100 кг. ва мутлоқ вазн тоифаларида гиламга чиқиб, «мутлоқ»да кумуш медалга сазовор бўлгандим. 2006 йил мени мутлоқ вазн тоифасида кураштиришмади. Агар мураббийлар мутлоқ вазн тоифасида ҳам курашишимга имкон беришганда, албатта, 1-ўринни олишга астойдил ҳаракат қилардим. Чунки Осиё ўйинларида мутлоқ вазн тоифасида ғолиб чиққан кореялик полвон билан илгари кўп учрашганмиз ва уни доимо ютганман.

**— 2005 йил якунларига кўра спорт мутахассислари сизни «Йилнинг энг кучли полвони» номинациясида ғолиб, деб топишганди. Ортда қолган 2006 йилдан-чи, кўнглингиз тўлдими?**

— 2006 йилнинг бошида терма жамоа мураббийлари билан ўртамизда муаммолар юзага келди ва кўплаб мусобақаларда қатнашмадим. Фақатгина июн ойига келиб, Москвада «А» тоифали, Гран-При туркумига кирувчи халқаро турнирда, Жаҳон кубоги босқич мусобақасида иштирок этдим ва 3-поғонадан жой эгалладим. Октябрда эса Қозоғистонда ўтган халқаро турнир мен учун омадли кечди, 1-ўрин.

**— Қишин-ёзин машғулотга қатнаш, шуғулланиш. Бундай кучли иродани қандай шакллантиргансиз?**

— Спортчи ёшлигидан шуғулланади ва бу унга одат, яъни табиий ҳаёт тарзига айланиб қолади. Агар бироз муддат машғулот қилмай қўйсак, ўзимизни оғир ҳис қиламиз. Усул бажаришдаги тезлигимизни йўқотамиз.

**— Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббийлар Владимир Пятаев ва Александр Истомин сизнинг устозингиз ҳисобланади. Уларнинг қайси фазилатларини сизда ҳам бўлишини хоҳлайсиз?**

— Устозларимнинг барча фазилатларини, хусусан, фидойи меҳнатларини айтишим мумкин. Улар менга нафақат спортда, балки ҳаётда ҳам кўп нарсани ўргатишган ва ўргатишмоқда.

**— Сизнинг ҳам шогирдларингиз борми? Абдулла Тангриевдан кураш сирларини ўрганмоқчи бўлган ёшларга қандай ёрдам беришингиз мумкин?**

— Шогирдларим йўқ. Аммо келажакда кураш ва дзюдо секцияларини очиш режаси ҳам йўқ эмас.

**— Ўзбек кураши дунё бўйлаб ёйилмоқда. Мана, яқинда Қатардаги Осиё ўйинларида ўзбек курашидан кўргазмали чиқишлар намойиш этилди, мусобақа ташкил қилинди. Курашимизнинг Осиё ўйинлари ва Олимпиадага кириш онлари узоқ эмас. Ўзбек курашини янада ривож топиши учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?**

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, кураш ҳам мисли кўрилмаган равишда ўсди. Юртбошимизнинг ғамхўрлиги туфайли бугун барча қитъада курашимизни билишади, турли мусобақалар ўтмоқда.

Дунё спорт жамоатчилиги орасида курашнинг обрўсини янада ошириш, уни Осиё ўйинлари ва Олимпиада дастурига киритиш учун биринчи навбатда юртимизда тез-тез нуфузли халқаро турнирлар ташкил қилиш лозим, деб ўйлайман. Дунё полвонларининг бу турнирларда қатнашишига эришсак, уни бутун дунёга намойиш этсак, кейин улар биздан андоза олишади.

Масалан, японларнинг «Сумо» курашини олинг. Ҳеч қанақа жозибаси ҳам йўқ. Икки полвон бир-бирини итариб, майдончадан чиқариши керак, холос. Лекин японияда «Сумо» бўйича шунақанги мусобақалар кўп ўтадики, бу кураш тури ўз-ўзидан халқнинг ҳаётига сингиб кетган...

**— Сиз Сурхон воҳасидансиз. Сурхондарёда ҳам Абдулла Тангриев, Давлат Чориевларнинг муносиб издошлари бўладиган ёшлар кўплаб топилади. Курашни севувчи оддий ёшлардан профессионал полвон чиқиши учун нималар зарур?**

— Биринчи навбатда эътибор. Ўша оддий ёшлар яшайдиган қишлоқда кураш гиламига эга спорт зали ҳамда усулларни ўргатадиган мураббийлар зарур. Яна шунингдек, мураббийнинг ҳам оиласи, рўзғори бор. Унинг ҳам шароитини қилиб бериш лозим. Мен Сурхондарёнинг барча туманларида курашга бирдек эътибор бор, деб айтолмайман. Балки жаҳон ва Олимпиада чемпионларини кўпроқ тайёрлашлари, шу йўлда меҳнат қилишлари учун мураббийларга ҳам катта миқдордаги мукофот пуллари белгилаш мақсадга мувофиқ бўлар. Бу уларнинг қизиқишини орттирар?! Чунки бундай муваффақиятга эришган спортчиларимизга давлатимиз катта ғамхўрлик кўрсатади.

**— «Полвонни полвон қиладиган нарса унинг ори». Юқоридаги гапга қандай изоҳ берасиз?**

— Полвонлик нима ўзи? Полвонликнинг ўзи бу орни ҳимоя қилишдир. Масалан, бола ёшлигида «Фалончининг ўғли» деб таништирилади ва нариги кўчадаги бола билан курашга чиқарилади. Қаранг, «Фалончининг ўғли» отасининг ишончини оқлаш учун бор кучини ишга солади. Кейин-кейин маҳалласи номидан кураша бошлайди. Йиқитиб, ўзини кўрсатса, тумани, сўнгра вилояти шарафини ҳимоя қилади.

У республика номидан курашганда ҳам ўша болалигида отаси ёки акасининг шаъни ва орини ҳимоя қилгани каби бутун вужуди билан курашади. Энди ортида бутун бошли Ватан турганда полвоннинг ори, масъулият юки қанчалик кучли бўлишини тасаввур қилаверинг. Чет элларда рақибни йиқитганда, Ватан шарафидан чексиз ғурурланамиз.

**— Айтинг-чи полвоннинг асосий таоми гўштли овқатлар бўлиши керакми?**

— Йўқ, кўп гўшт истеъмол қилиш ҳам полвон учун яхши эмас. Уни ҳазм қилиш жараёнлари бор. Ундан кўра, калорияли овқатлар фойдали. Масалан, биз фақат ўқув-машғулот йиғини пайти махсус рецептга кўра овқатланамиз. Калорияси бир килограмм гўштдан ортиқ бўлган таомларни истеъмол қиламиз. Бошқа вақтда эса овқатланишим оддий одамларникидан фарқ қилмайди.

**— Иш жойингиз ва оилавий аҳволингиз ҳақида билиш ҳам мухлисларга қизиқарли...**

— Уйланмаганман. Тошкентдаги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида жанговор ҳарбий тайёргарлик ва спорт бўйича ўқитувчилик қиляпман.

**— Олдиндаги мусобақалар...**

— 11-14 феврал кунлари Чирчиқда дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтади. Ҳозир ушбу мусобақага ҳозирлик кўряпман. Ёз фаслида Қувайтда дзюдо бўйича Осиё чемпионати, кузда Бразилияда жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Бу мусобақаларда ғолиб чиқиш учун ҳаракат қиламан. Чунки халқаро майдонларда ўзбекистонликларни кучли деб билишади, жиддий рақиб сифатида қарашади. Бу — ғурур. Ўзбекистон байроғини баланд кўтариш, халқимизга қувонч улашиш эса бурч.

**Абдулла полвон ҳақида унинг устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Владимир Пятаев шундай дейди:**

— Абдулла юқори даражадаги маҳорат соҳиби. Бироқ бизда у билан керакли, хоҳлаганимиздагидек шароитда шуғулланиш имконияти йўқ. Яъни, дзюдода муваффақиятга эришиш учун спортчи ҳар куни «потенциали» ўзига тенг бўлган етти-саккиз нафар полвон билан машғулот ўтказиши керак. Тангриев шуғулланадиган «Динамо» залида вазни энг катта полвоннинг оғирлиги 95 кг. Абдулла эса 118 кг. Терма жамоада ҳам 4-5 нафар оғир вазнли полвон бор. Абдулла ҳам, улар ҳам бир-бирини ўрганиб бўлишган. Шунинг учун Абдулла Тангриев жаҳон чемпионати ва Олимпиадаларда ғолиб чиқа олмаяпти. Агар уни Россия, Қозоғистон каби давлатларга тез-тез 10-15 кунлик ўқув-машғулот йиғинларига жўнатиб турсак, Абдулла кўп нарсага қодир ва барча йирик ғалабаларга эришади. Қисқача айтганда, унга «партнёр» (спарринг—рақиблар) керак...

**Акмал АБДИЕВ**
**суҳбатлашди.**

**Ўзбекистон — ватаним маним**

# УРГАНЧ МАЪНАВИЯТ БОҒЛАРИ

***Урганч шаҳрини иккига бўлиб оқувчи Шовот каналининг чап соҳилида бир йўла икки боғ — Нажмиддин Кубро ва Маҳмуд аз-Замахшарий номидаги истироҳат мажмуалари кўҳна Хоразм маркази ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Вилоят бош меъмори Комилжон Матжонов берган маълумотларга кўра, ушбу кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари учун 1 миллиард 250 миллион сўмга яқин маблағ сарфланган.***

Хоразм Маъмун академиясининг қутлуғ 1000 йиллик тўйи муносабати билан барпо этилган янги боғ мажмуалари вилоят марказини янада кўркамлаштирди. Бу эзгу ишда "Хоразмқурилиш", "Ирригацияқурилиш", "Жамоақурилиш", "Хоразмавтойўл", "Хивақурилишсервис", "Оби ҳаёт", "Сувгазмонтажтаъмир", "Бунёдкор", "Фидокор" каби ўнлаб қурилиш ва бунёдкорлик ташкилотларининг қўли гул усталари ҳамда вилоятнинг турли туманларидан келган ҳашарчилар беминнат хизмат қилишди.

"Кўҳна кўприк"нинг чап томонида жойлашган вилоят давлат солиқ бошқармаси биносидан то "Авесто" боғигача қарийб 6,5 гектар ҳудудни эгаллаган Нажмиддин Кубро номидаги истироҳат мажмуаси ўзгача чирой касб этди. Бу ерда 250 квадрат метрлик рамзий декоратив девор қад ростлади. Мазкур сопол кошинли панно муаллифи Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, рассом С. Қодиров. Улар хонқалик ва янгиариқлик уста кулолзодалар сулолалари давомчилари томонидан юксак дид билан тайёрланди. Унда қадим воҳанинг ўтмишидан ҳикоя қилувчи манзаралар, тарихий воқеалар, алломалар машварати акс этган.

Шунингдек, нақшинкор сопол деворда Хоразм вилоятининг яқин тарихи, истиқлолдан кейинги туб бурилишлар, ислоҳотлар ва муҳим тадбирлар ифодаси тасвирланган.

Рамзий декоратив девор кошинларини ўрнатишда «Оби ҳаёт» МЧЖ ишчилари фидокорона меҳнат қилишди.

Нажмиддин Кубро мажмуасининг марказидан жой олган Хоразм тарихи музейи Маъмун академиясининг минг йиллигига чинакам тўёна бўлди. Маҳобатли ва гўзал нақшлар билан безатилган бино, ёғоч ўймакорлиги асосида ишланган устунлар, мовий гумбазлар музейнинг тўла маънода Хоразм миллий меъморчилик услубида бунёд этилганлигидан далолатдир. Икки қаватли музейда воҳанинг ибтидоий даврдан бугунги кунгача бўлган тарихи акс этади. Турли сулолалар, воқеликлар тўғрисида, Хоразм санъати, меъморчилиги, урф-одатлар, маданият, этнография, дин ва бошқа мавзудаги экспонатлар воҳа ўтмиши ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Мазкур маънавият ва маърифат ўчоғи воҳа аҳли ва меҳмонлар учун энг манзур гўша бўлиши шубҳасиз. Музей қурилишини «Хоразмқурилишсервис» МЧЖ бунёдкор ва ҳунармандлари охирига етказишди.

Шунингдек, мажмуада бир-биридан мафтункор учта фаввора қурилди. Бу бетакрор фавворалар атрофи чиройли мармарлар билан зийнатланди. Ранг-баранг анвойи гуллар, арча, терак, гужум кўчатлари ўтқазилди. Япон сакураси ва Қримнинг гўзал ниҳоллари ҳам мажмуага кўрк берди. Баланд устунли чироқлар, йўлаклар, ям-яшил бўлиб турувчи ўтлари сайрга ошиққан ҳар бир дилни яйратади. Мажмуани Шовот каналининг ўнг соҳили билан боғлайдиган «Хоразмавтойўл» шўъба корхонаси қурувчилари томонидан бунёд этилган кўприк ҳам муносиб туҳфа бўлди.

«Кўҳна кўприк»дан тушаверишда ўнг томондаги Маҳмуд аз-Замахшарий мажмуаси воҳа иқлими ва табиатига мос дарахтлар, гуллар ва ўсимликлар учун мўлжалланган. "Ўзбекистон қизил китоби»га киритилган ноёб ўсимликлар, Хоразм наботот дунёси ва ландшафт архитектураси айнан шу ерда ўз ифодасини топади. Бир сўз билан айтганда, бу ер келгусида воҳанинг "Ботаника боғи" бўлиши шубҳасиз.

Яхшилик яхшиликдан қувватланади деганларидек, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан бунёд этилган янги боғ-роғлар, маданий ва маърифий объектлар халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий юксалишига янада муносиб ҳисса қўшади.

**Эрпўлат БАХТ,**
**журналист**






## ИСПАНИЯГА — ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАГА

***Испания мамлакати жамоатчилиги халқаро анжуманга катта тайёргарлик кўрмоқда. Улуғ Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган бу йирик тадбир 2007 йилнинг баҳорида Мадрид шаҳрида ўтказилади. Ушбу сана дастури бўйича халқаро кўргазма ҳам намойиш қилинади.***

Буюк жаҳонгир ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлардан иборат мазкур катта экспозицияни тайёрлаш ҳамда ўтказиш ишлари Ўзбекистон музейлар кенгаши иштирокида амалга оширилади.

Кенгашнинг навбатдаги анжумани айнан шу масалага бағишланди. Тошкентдаги Темурийлар тарихи Давлат музейи, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи ҳамда бошқа муассасалар томонидан тайёрланган экспонатлар мажмуаси яқин орада Испания пойтахти Мадрид шаҳрига юборилади.

**Акбар АЛИЕВ**

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши раиси Сайдаҳмад Аҳмадқуловга волидаи муҳтарамаси **ҒАЗНАБУ ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ФУТБОЛ ФИДОЙИСИ

## Ҳажвия

Сарваржон кабинетда иш билан банд эди. Эшикдан эллик ёшлардаги тўладан келган киши кирди.

— Эълонлар идораси шу ерми? — сўради у саломлашгач.

— Худди шу ер. Эълон бермоқчимисиз? — Сарваржон одатича жилмайди.

— Илтимос, биз ғарибларга ёрдам беринг, — мижоз хўрсинди.

— Қўлимдан келса, бажонидил ёрдам бераман.

— Раҳмат, — мижоз ўтириб яна бир хўрсингач давом этди. — Исмим Меливой, улфатлар ҳазиллашиб «Пеливой» дейишади. Футболнинг фидойисиман.

— Мен ҳам футбол ишқибозиман, — Сарваржон хурсанд бўлди. — Ўйинларни қолдирмай кўриб бораман.

— Ўхшаш эканмиз, — Меливой кулди. — Тўрт ёшимдан тўп тепаман. Илгари тўп ўрнида чипта қопни юмалоқлаб тепардик. Кейин резина тўп чиқди. Ҳозир чарм тўп урф бўлган. Ҳужумчи бўлганман. 999 та гол урганман.

— Битта қўшиб мингтага етказмабсиз-да.

— Етказардиму хотиним ё мени, ё футболни денг деди. Болаларга исм қўйганда қаттиқ жанжаллашдик.

— Нимага?

— Тўнғичим тўққиз эмас, ўн ойда туғилди. Қоидани бузгани учун футболбоп қилиб «Абсайт» исмини қўйдим. Хотиним Абдусаид деб ўзгартирди. Қасдлашиб иккинчи ўғлимни «Голбек» деб номладим. Хотиним Гулбек деб ўзгартирди. Ҳозир фарзандлар улғайган. Эр-хотин иноқмиз.

— Аҳволимиз оғир дедингиз шекилли?

— Мен мураббийлик қилаётган команданинг аҳволи оғир.

— Ие, мураббиймисиз?

— Футболсиз яшолмайман. Жамоа тузиб, оёғи белимча келадиган йигитни капитан қилдим.

— Бунақа семиз одам югуролмайди-ку.

— У дарвозабон. Асосийси, хотини фабрика директори. Команда номини «Тикувчи» қўйдик. Биз тиккан кийимларни реклама қилардик, улар ҳомийлик қилишарди. Довруғимиз таралди-ю, капитан шўхлик қилиб қўйди.

— Нима қилди?

— Хуфёна яна бир нозанинга уйланибди. Директор жанжал кўтарди. Ёрдам тўхтади. Команда тарқалиб кетай деди.

— Бошқа ҳомий топмадингизми?

— Арақ заводи ҳомийликка олди. Бироқ фалокат рўй берди.

— Заводда бирор кор-ҳол бўлдими?

— Командада кор-ҳол бўлди. Бизга завод маҳсулотидан беришарди. Йигитлар арақдан тотадиган, кейин бетўхтов «отадиган» бўлишди. Дарвозабон тўп кўзига иккита бўлиб кўринишини яқинда тан олди. Қайсини ушлашни билмай ўртага ташланаркан. Гол! Дарвоза устунига суяниб ухлайди, ҳатто хуррак отади. Ҳужумчилар қизишиб, ҳатто ўз дарвозамизга гол уришгача бориб етишди. Охирги ўйинни 16:1 бой бердик.

— Ҳеч бўлмаса битта гол урибсизлар-ку.

— Ўн олтита гол урилгач, дарвозабон хўнграб йиғлади. Ўйинчилар қўшилишди. Рақиблар бизни юпатиш учун ўз дарвозаларига битта гол уришди. Бу сафар вино градусича гол урдик. Яна ширакайф ўйнасанглар арақ градусича урамиз дейишди. Ҳомийни алмаштирмасак бўлмайди. Янгисини топиб беринг, илтимос.

— Қандай қилиб топаман? — Сарваржон ҳайрон бўлди.

— «Оташ» командаси ҳомий излайди, деган эълон берсак бўладими?

— Бўлади. Матнни ёзиб келганмисиз?

— Биз тўп тепишга, сиз гап тўқишга устасиз. Ўзингиз ёзақолинг.

— Бир амаллаймиз. Ҳақини тўлайсизми?

— Носқовоққа нос борми деяпмиз. Чўнтакда ҳемир йўқ. Ҳақ тўлолмаймиз, — Меливой ўрнидан турди. Таъзим қилиб эшик томон юрди. — Футбол шинавандаси экансиз, ёрдам беринг. 40:0 га ютқазиб ҳолимизга маймунлар йиғламасин. Эълон кутиб қоламиз-а, укахон?!

Эшик оҳиста ёпилди.

**Нўъмон МЎЙДИНОВ**


ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'K.U.F. F.T.U.U.

**БОШ МУҲАРРИР**
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Алла Долженкова,
Виктор Зверев
(бош муҳаррир ўринбосари),
Маъмура Адилова,
Мирзоҳид Содиқов,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримқул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шамси Эсонбоев,
Элёр Ёқубов,
Ғуломзокир Юсупов

**Бизга қўнғироқ қилинг:**

**Котибият**
153-52-78

**Бўлимлар**
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

**БИЗНИНГ МАНЗИЛ:**
*700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.*
*Нашр кўрсаткичи:* 133; 134
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

**Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.**

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - А.Ҳақбердиев
Навбатчи - Р.Сайдаҳмедова
Мусаҳҳиҳ - Н.Юлдошев

Саҳифаловчи-дизайнер: Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
**IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.**

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 19.00

Буюртма Г — 115

Тиражи: 19219

2345


**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси